

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ.**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ.**

«МЕНЕЖМЕНТ» КАФЕДРАСИ

Рўзиева Д.И., Азимов Б.Ф., Примова А.А. Тошев Ф.З.

**ИҚТИСОДИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ ТАЛАБАЛАР
УЧУН «ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН
КУРС ИШИНИ БАЖАРИШГА ОИД**

5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) ва 5111000-Касб таълими
(Менежмент) таълим йўналишдаги

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

БУХОРО-2017

Ушбу услубий қўлланма “Иқтисодиёт назарияси” фани бўйича амалдаги дастур ва тавсиялар асосида тузилди. Услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг талабларига жавоб беради. Услубий қўлланма “Иқтисодиёт назарияси” фани бўйича курс ишларини бажаришга мўлжалланган бўлиб, бунда курс ишларининг мавзулари долзарб муаммоларни ўз ичига олишлилиги, тайёрлаш жараёни, бажарилиш тартиби ва ҳимояга тайёрлаш тартиби, курс ишлари мавзуларининг рўйхати ва уни расмийлаштириш ва адабиётлардан фойдаланиш тартиби кўрсатиб берилган.

----- № институт услубий кегаши 2017 йил.

Услубий кўрсатма “Менежмент” кафедрасининг 2017 йил _____ -сонли
мажлисида муҳокама қилиниб, институт илмий услубий Кенгашининг _____
йилдаги _____ -сонли қарори билан чоп қилишга рухсат этилган.

Услубий қўлланма 5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) ва 5111000-Касб таълими (Менежмент) таълим йўналишдаги барча талабалар учун мўлжалланган бўлиб, талабалар услубий қўлланмадан фойдаланган ҳолда олий ўқув юртининг талаб даражасидаги курс ишларини бажарадилар.

Тузувчилар:
доц. Рўзиева Д.И
доц. Азимов Б.Ф.
кат.ўқ. Примова А.А.
асс. Тошев Ф.З.

Тақризчилар:
Бухоро Давлат Университети доценти Тоирова М.М.
Бух МТИ “Менежмент” кафедраси доценти Хасанова Г.Дж.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
1. I- Бўлим. Курс ишларининг мавзулари.....	4-5
2. II- Бўлим. Курс ишининг мавзуси ва хажми.....	5-6
3. III-Бўлим. Курс ишини тайёрлаш жараёни.....	6
4. IV-Бўлим Курс ишини бажарилиши ва уни ҳимояга тайёрлаш...6-7	
5. «Иқтисодиёт назарияси» фанидан курс ишининг мавзулари.....	8-17
6. Иловалар.....	18-25

КИРИШ

Мамлакат иқтисодиётида туб бурилиш, яъни 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ҳаракатлар стратегияси» амалга оширилаётган бир пайтда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топишга асосий йўналишларни белгилаш бугуннинг долзарб муаммоларидан бири саналади.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва техник-технологик янгилаш шароитида иқтисодий категория ва қонунларни, хусусиятлари ва ҳаракатларини белгиловчи муҳимомилларни билиш иқтисодиёт назарияси фанининг назарий манбаидир. Иқтисодиёт назарияси фани кўпгина иқтисодий фанлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб уларнинг назарий негизини ташкил этади. Шунинг учун, ҳар бир аниқ иқтисодий фанларни ўрганишдан олдин «Иқтисодиёт назарияси» фанини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

«Иқтисодиёт назарияси» фанини мустақил равишда ўрганишларини таъминлаш мақсадида курс ишини бажариш режалаштирилган ва ўқув дастурига киритилган.

Ўқув дастурига биноан менежмент таълим йўналиши талабалари «Иқтисодиёт назарияси» фанидан курс иши бажарадилар.

Ушбу услубий қўлланма курс ишини мавзуларини, умумий мазмунини, мақсади ва бажариш тартибини ўз ичига олади.

Курс иши «Иқтисодиёт назарияси» фанини ўқитишнинг охириг босқичи бўлиб, уни мақсади, ушбу фан бўйича талабалар олган назарий билим доираларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш ва бир тизимга солишдир.

Талаба курс ишини бажариш жараёнида тадқиқот элементларидан фойдаланиб, мустақил равишда иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ўз маҳоратларини кўрсатишлари, «Иқтисодиёт назарияси» фанидан олган билимларини ишга солиб, иқтисодий механизмларни тақсимлаштириш борасида ўзларининг тақлифларини ишлаб чиқишлари зарур.

1-БЎЛИМ. КУРС ИШЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ

Курс ишларининг мавзулари «Менежмент» кафедрасида ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Курс иши мавзулари ҳозирги замон долзарб иқтисодий муаммоларини ўз ичига олиши зарур. Ушбу мавзуларда бозор иқтисодиёти ислохотларининг вазифалари акс эттирилиши керак ва булар Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган, миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўли бўлган - беш тамойилга асосланиши ва Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини устувор йўналишларига эътибор қаратиш лозим.

Асосий эътибор, бозор муносабатларининг жорий этилишини таъминлайдиган ўзбек моделини ҳаётга тадбиқ этишга қаратилиши даркор. Курс ишининг мавзулари 1- иловада келтирилган.

Курс ишининг мавзулари менежмент таълим йўналиши талабаларига «Иқтисодиёт назарияси» курсини ўқитишнинг бошланғич босқичига тақсимланади.

Бу эса, талабаларни танлаган курс ишлари мавзулари бўйича жамланган назарий материалларини статистик маълумотлар билан бирга бир тизимга киритиш ва улар натижасида эришилган иқтисодий самарадорликни ҳаётга тадбиқ этиш учун асосланган аниқ тақлифларни ишлаб чиқишларини тақозо қилади.

Курс иши мавзулари талабалар олдига аниқ вазифалар қўйиш керак.

Курс иши мавзулари талабалар учун ташкил этилган илмий тадқиқот жамиятлари ва тўғарақларда ишлаб чиқилган мавзуларга боғлиқ бўлса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Имкони борича, курс ишининг мавзулари «Менежмент» кафедрасида бажарилаётган илмий - тадқиқот ишлари йўналишдаги мавзуси билан боғлиқ ҳолда бўлиши зарур.

П-БЎЛИМ. КУРС ИШИНING МАВЗУСИ ВА ҲАЖМИ.

Ҳар бир курс иши мавзусидан қатъий назар тахминан қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши керак:

- Кириш,
- Мавзунинг назарий асосларининг ёритилиши,
- Мавзуга оид статистик маълумотларнинг Республика миқёсидаги таҳлили,
- қўйилган муаммолар ечимининг асосий йўналишлари
- хулоса
- фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ҳар бир кўрсатилган бўлимларнинг ҳажми ва мазмунига нисбатан қўйилган талаблар қуйидагича:

- **Кириш** бўлимида. Курс ишининг танланган мавзусининг мақсади ва вазифалари, халқ хўжалигидаги унинг аҳамияти ёритилиши керак. Талаба томонидан қайси манбалардан, иқтисодий таҳлил услубларидан фойдаланилганлиги кўрсатилиши зарур. Ушбу бўлимни ёритиш жараёнида мавзуга тааллуқли бўлмаган, умумий гаплардан четланиш лозим. Кириш бўлимининг ҳажми 3 -4 қўлёзма варақасидан кўп бўлмаслиги керак.

- **Мавзунинг назарий асосларининг ёритилиши** бўлимида назарий муаммоларнинг мажмуасини ёритиш керак. Бу ерда курс ишининг мавзусига тааллуқли бўлган илғор тажрибалар, илмий тадқиқот янгиликлари келтирилиши зарур.

Ушбу бўлимнинг ҳажми 20-25 қўлёзма варақдан кўп бўлмаслиги керак.

- **Мавзуга оид статистик маълумотларнинг Республика миқёсидаги таҳлили** бўлимида илғор тажриба ва назарий алмашинувларга асосланган ҳолда олдинга қўйилган муаммолар ечимининг талқини аниқ бир халқ хўжалиги тармоғи бўйича бажарилиши мақсадга мувофиқ. Тўпланган статистик маълумотларни таҳлилига асосланиб, яширин имкониятлар ва ечилмаган муаммолар ёритиб берилади.

Ушбу бўлимнинг ҳажми 15 қўлёзма варақдан кўп бўлмаслиги керак.

- **Қўйилган муаммолар ечимининг асосий йўналишлари** бўлимида талаба иқтисодий самарадорликни ошириш йўлида қўйилган муаммоларнинг ечимини асосий йўналишларини топиш мақсадида аниқ таклифларни олдинга суриши керак.

Ушбу бўлимнинг ҳажми 10 қўлёзма варақасидан ошмаслиги керак.

- **ХУЛОСА** бўлимида талаба томонидан юқорида қўйилган мақсад ва таклифларнинг ечимини қисқа хулоса ва тавсияларини, ишининг натижаларига асосланган ҳолда изоҳлаб бериши зарур. Умумий ҳажми эса 3-4 қўлёзма варақа бўлиши керак.

Курс ишининг раҳбари бўлимларнинг бирин кетинлиги ва ишнинг таҳлилини, мавзусини ўзгартиришга ҳақлидир.

Курс ишини бажариш жараёнида қуйидаги манбалардан фойдаланиш мумкин.

1. Тадқиқот мавзусига тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримовнинг асарлари, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев асарлари ва маърузалари, Республика ва вилоятларга оид ҳукумат қарорлари, халқ хўжалигининг аниқ тармоқларига оид иқтисодий манбалар;

2. Курс иши мавзусига оид алоҳида, махсус адабиётлар;

3. Чоп этилган статистик маълумотлар.

Курс ишини бажариш давомида талаба фойдаланган адабиётлар бўйича библиографик маълумотларни тузиш зарур.

Унда авторнинг фамилияси, исми-шарифи, асарнинг номи, нашрдан чиққан жойи, йили ва бетлар кўрсатилади.

Курс иши мавзусини ёритиш жараёнида иқтисодий манбалардан олинган жумлалар қўштирноқ ичига олиниши ва библиографик номларни кўрсатиши талқин қилинади.

Ш-БЎЛИМ. КУРС ИШНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ

Курс ишининг раҳбари томондан мавзуга асосланиб, кафедра мудири томонидан тасдиқланган ва ишнинг бажарилиш муддати кўрсатилган ҳолда топшириқ белгиланган шаклда тўлдирилади ва талабага берилади. (2 иловада келтирилган).

Шу билан бир қаторда, раҳбар курс ишни бажариш учун махсус адабиётларни танлашда ва аниқ маълумотларни йиғишда керакли маслаҳатларни беради.

Талаба курс иши мавзусининг режасини тузишда, адабиётларни танлашда ва бошқа керакли манбаларни ажратиб олишда раҳбар билан келишилган ҳолда иш тутади.

Топшириқда чизма маълумотлар тартиби ва ишнинг алоҳида босқичларини бажариш муддати ва навбати бўйича календар режаси акс этгирилади. Календар режа албатга бажарилиши шарт. Ушбу календар режа бўйича раҳбар курс ишининг бажарилишининг даражасини қайд этиб боради.

IV-БЎЛИМ. КУРС ИШИНING БАЖАРИЛИШИ ВА УНИ ҲИМОЯГА ТАЙЁРЛАШ

Талаба курс ишини ёзишда мустақил ва тўғри қарорлар қабул қилиши учун раҳбар вазифалар ечимини аниқ йўналишини белгалаб бериши лозим. Курс ишини ёзиш жараёнида талаба қуйидаги ишларни бажариши шарт:

- ишнинг номи, унинг бўлимлари ва параграфлари мавзунинг мазмунига мувофиқ келишини таъминлаш;

- мавзунинг режаси бўйича ёритишда бирин-кетинлик, бўлимлар ва параграфлар ўртасида мантиқий боғлиқлик қатъий равишда таъминланиши;

- курс ишини адабий тилда, ифодали, аниқ ва равшан ёзилишини таъминлаш;

- курс ишининг матнида чизма, диаграмма, жадваллар, расм ва схемалардан кенг фойдаланиш ва кўрсатилган материалларни диққат билан расмийлаштирилиши;

- курс ишини белгиланган талабларга асосланиб расмийлаштирилиши. (3 иловада келтирилган)

Курс иши матнида ўзга жумлалардан кўп фойдаланиш сўзларини қисқартириб ёзиш ман этилади.

Курс иши тугалланган, диққат билан текширилган ва таҳрирдан ўтган ҳолда раҳбарга текшириш учун талаба томонидан топширилади.

Иш текширилгандан ва белгаланган йўналишларга мос деб топилгандан кейин, талаба томонидан қўлёзма шаклида стандарт оқ қоғозга кўчирилади.

Курс ишининг охириги варианты раҳбар томонидан кўриб чиқилгандан кейин раҳбар унга тақриз беради ва ўз имзоси билан расмийлаштиради. Тақризда раҳбар курс ишининг ютуқлари ва камчиликларини кўрсатади ва унга баҳо беради.

4 — иловада курс иши раҳбарининг тахминий тақризини шакли берилган.

Ҳимояга қўйиладиган курс ишида раҳбар томондан берилган, имзоланган тақриз ва топшириқ бўлиши керак.

Салбий тақриз берилган курс иши эса ҳимояга қабул қилинмайди. Ушбу ҳолатда талаба курс ишини қайта кўриб чиқиши ёки янги мавзунини танлаши зарур.

Ўқув режасига асосланиб, «Менежмент» кафедраси курс ишини бажариш ва ҳимоя муддатини белгилайди. Курс ишининг бажарилиши ва ҳимояси 3 босқичга бўлинган.

I - босқичда 1- оралиқ назорат

II - босқичда 2- оралиқ назорат

III - босқичда якуний назорат

I босқичнинг охирида курс ишининг I ва II бўлими бўлиши шарт.

II босқичнинг охирида III ва IV бўлимларни ва адабиётлар рўйхатини ёзиб тугатилиши керак.

Ишнинг натижаси тугатилиб якуний назоратда тайёр курс иши ҳимояланади ва талаба рейтинг бўйича алоҳида белгиланган балл йиғади.

Талаба курс ишининг ҳимояси чоғида ишнинг қисқача асосий мазмунини, таклифларини ва хулосасини асослаб бериши зарур.

Кейин курс ишини қабул қилиши комиссияси аъзолари томонидан талабага саволлар берилади. Энг яхши баҳоланган курс ишлари илмий-техник, назарий-амалий конференцияларида маъруза қилиш учун тавсия этилади. Кафедранинг профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида ушбу тадқиқот мавзуларини давом эттириш нозоратга олинади.

Курс иши мавзуларини танлаш механизми.

Талаба курс ишини мавзусини ихтиёрий равишда танлаб, кафедрада ташкил қилинган курс ишларини қайд қилиш журналида расмийлаштиради. 1 та талаба танлаган курс иши мавзусини 2-чи талаба олиши қатъиян ман қилинади.

1-илова

1.	Иқтисодий тизимлар ва уларнинг таркибий элементлари.
2.	Бозор иқтисодиёти шаклланишининг шарт-шароитлари.
3.	Иқтисодиётнинг очиклиги ва рақобатбардошликни ошириш йўллари.
4.	Бозор хужалигини ташкил топишининг зарурлиги.
5.	Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни давлат томонидан бошқарувининг зарурлиги.
6.	Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.
7.	Фирма капиталининг доиравий айланиши.
8.	Кишлоқ хужалигида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари.
9.	Қорхона рақобатбардошлигини оширишда ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда.
10.	Фирма ишлаб чиқариш омилларига баҳо белгилаш. Баҳо механизми.
11.	Мехнат бозори ва бандлик. Мехнат биржаси.
12.	Иш ҳақининг моҳияти, шакллари ва тизими.
13.	Бозор иқтисодиётида пул.
14.	Инфляция ва унга қарши тадбирий-чоралар.
15.	Хусусий мулк ва тадбиркорликни давлат томонида ҳимоя қилиш.
16.	Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий йўналишлари.
17.	Ҳозирги замон иқтисодиётида иқтисодий ўсишнинг моҳияти ва асосий курсаткичлари.
18.	Бозор иқтисодиётида рақобат.
19.	Микроиқтисодиёт даражасида такрор ишлаб чиқариш.
20.	Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий кризислар ва уларнинг муқаррарлиги.
21.	Ўзбекистонда бозор инфраструктурасини амалга оширишнинг хусусиятлари ва муаммолари.
22.	Акционерлик жамиятлари. Акционерлик фойдаси ва уни тақсимланиши.
23.	Биржаларнинг моҳияти ва операциялари. Биржа конъюктураси.
24.	Аҳоли турмуш даражаси ва унинг асосий курсаткичлари.
25.	Аграр муносабатларнинг моҳияти ва хусусиятлари.
26.	Бозор иқтисодиёти шароитида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш.
27.	Кишлоқ хужалигини ислох қилишнинг хусусиятлари.
28.	Бозор ва молия тизими.
29.	Иқтисодий муносабатлар тизимида солиқлар.
30.	Қредит, унинг моҳияти, шакллари ва зарурлиги.
31.	Молия - банк тизими ва уни ислоҳ этиш.
32.	Бюджет тақчиллиги. Давлатнинг ички ва ташқи қарзи.
33.	Бозор иқтисодиётида монополия ва рақобат.
34.	Валюта муносабатлари. Халқаро валюта бозорлари.

35.	Миграция ва унинг иктисодий ахамияти.
36.	Жахон иктисодиётининг оламшумул муаммолари.
37.	Ишсизлик, уларнинг пайдо булиш сабаблари ва оқибатлари.
38.	Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати.
39.	Фирма фаолиятида фойдани купайтириш йуллари.
40.	Ўзбекистонда бюджет ва солиқ сиёсатини амалга оширишнинг асосий йуналишлари.
41.	Фискал сиёсати ва уни амал қилиш механизми.
42.	Давлатнинг монетар сиёсатини амал қилишининг шакллари ва услублари.
43.	Иктисодий усиш. Унинг зиддиятлари ва муаммолари.
44.	Аҳоли даромади ва аҳоли турмуш даражаси.
45.	Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантириш муаммоларини хал этиш йуллари.
46.	Тадбиркор – бозорнинг субъекти сифатида.
47.	Ўзбекистонда бозор иктисодиётининг шаклланиш назарияси.
48.	Утиш даврида тадбиркорлик ва ракобат мухитини яратиш.
49.	Ўзбекистон иктисодиётни эркинлаштиришнинг асосий йуналишлари.
50.	Утиш даври иктисодиётда жамиятни ижтимоий барқарорлаштириш ва даромадларнинг тақсимланиши.
51.	Ракобат. Унинг шакллари ва услублари.
52.	Инфляция ва ишсизликнинг усиши.
53.	Пул – кредит сиёсати ва унинг мамлакат иктисодиётда тутган урни.
54.	Халқаро молия муносабатлари.
55.	Бозор иктисодиётда инвестицияларнинг шаклланиши ва уларнинг роли.
56.	Ўзбекистонда куп погонали банк тизимининг шаклланиш муаммолари.
57.	Кимматбаҳо коғозлар бозори.
58.	Давлатнинг инфляцияга қарши тадбирий-чоралар.
59.	Ўзбекистонда фонд бозорларининг шаклланиш муаммолари.
60.	Эркин тадбиркорлик ва ракобат мухитини яратиш.
61.	Фирмалар фаолиятида инвестицияларнинг роли.
62.	Бозор инфраструктураси ва баҳоларнинг ташкил топиши.
63.	Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусуий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш йуналишлари.
64.	Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг муаммолари.
65.	Пул муомаласи қонуни ва пул массаси.
66.	Кичик бизнес ва хусуий тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг роли.
67.	Банк тизимини шаклланишида аҳолининг ижтимоий-иктисодий муаммолари.
68.	Эҳтиёжлар ва уларнинг қондириш воситалари ва усуллари.
69.	Иктисодий тизимлар ва уларнинг турлари.
70.	Ўзбекистоннинг иктисодий потенциали ва ундан самарали фойдаланиш йуллари.
71.	Хусуийлаштириш – бозор иктисодиётига утиш пойдевори сифатида.
72.	Бозор ислохотлари – бозор иктисодиётининг қамолот манбаи эканлиги. Бозор инфраструктураси.
73.	Бозор иктисодиётига утишнинг дунё андозалари, уларнинг муаммолари ва хусусиятлари.
74.	Ўзбекистонда бозор иктисодиётига утишнинг асосий тамойиллари ва ҳаракатлар стратегияси.
75.	Бозор мувозанати ва унинг турлари. Ўзбекистонда бозор мувозанатининг юзага келтириш йуллари.
76.	Иктисодий фаолиятдаги монополиялар ва уларнинг тартибга солиш хусусиятлари.
77.	Ўзбекистонда давлатнинг нарх-наво сиёсати ва унинг асосий йуналишлари.
78.	Ракобат турлари, ракобат қурашининг шакллари ва унинг усуллари.

79.	Давлатнинг монополияга карши тадбирлари. Ўзбекистоннинг монополияларга карши чора-тадбирлари (конунчилиги).
80.	Иктисодий ислохотларнинг хозирги боскичида корхоналарни акционерлаштиришнинг хусусиятлари.
81.	Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва уларнинг уюшмалари.
82.	Ўзбекистонда акционерлик жамиятларини ривожлантиришнинг аҳамияти.
83.	Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни жорий қилишдаги ютуқлар ва муаммолари.
84.	Ўзбекистон Республикасининг банкротлик ва санация тугрисидаги конунларнинг корхоналарни молиявий соғломлаштиришдаги аҳамияти.
85.	Ўзбекистон давлатнинг иш хақи сиёсати. Ягона тариф коэффициентлари ва уни қуллаш амалиёти.
86.	Ўзбекистон Республикасида иш хақи тулаш тизимини такомиллаштириш вазифалари.
87.	Бозор муносабатларига утишда аграр ислохотлар ва уларнинг йуналишлари.
88.	Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантиришда давлатнинг асосий йуналишлари.
89.	Агробизнес, унинг турлари ва хозирги шароитда унинг ривожланиш хусусиятлари.
90.	Бухоро вилояти иктисодиётида аграр секторнинг урни.
91.	Ўзбекистонда иктисодий барқарорликни яратишда макроиктисодий муаммоларни ҳал қилиш йуллари.
92.	Ялпи талабнинг ва ялпи тақлиф назарияси.
93.	Ўзбекистонда бозор иктисодиётига утишда инвестицион фаолликни таъминлаш вазифалари.
94.	Хорижий инвестицияларнинг иктисодий ривожланишдаги урни.
95.	Бозор иктисодиёти шароитида иктисодий узишни таъминлашдаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш йуллари.
96.	Миллий ва жаҳон хўжалигидаги иктисодий цикллар ҳамда уларнинг хусусиятлари.
97.	Ишчи қучига талаб, тақлиф ва уни аниқловчи омиллар.
98.	Ижтимоий йуналтирилган бозор иктисодиётига утиш шароитида ижтимоий адолат муаммолари.
99.	Ижтимоий йуналтирилган бозор иктисодиётини шакллантириш муаммолари.
100.	Банк тизимини такомиллаштириш муаммолари.
101.	Халқаро иктисодий интеграциянинг моҳияти, шакллари ва объектив асослари.
102.	Халқаро савдонинг мазмуни, тузилиши ва хусусиятлари.
103.	Иктисодиётни янада ривожлантириш ва либериаллаштириш шароитида миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш.
104.	Ўзбекистонда валютани тартибга солиш механизми
105.	Қишлоқ хўжалигида кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш
106.	Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда молия бозорининг ўрни
107.	Ўзбекистон республикасида етакчи тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш

Тасдиқлайман: Кафедра мудири.

“__” _____ 20__ й.

Кафедра _____

Курс иши

Курс

бўйича _____

Гуруҳ _____ Талаба _____ Рахбар _____

ТОПШИРИҚ

1. Курс иши мавзуси: _____

2. Бошланғич маълумотлар: _____

3. Қўлланмалар: _____

4. Чизма қисмининг тузилиши: _____

5. Тушунтириш хатининг тузилиши: _____

6. Қўшимча топшириқ ва кўрсатмалар: _____

7. Курс иши топшириш даври: Режа _____ Амалда _____

Босқичлар					Ҳимоя
1	2	3	4	5	

Рахбар

ТАҚРИЗ

Фан _____

Курс иши мавзуси _____

Талаба исм шарифи _____

Курс, гуруҳ _____

Такриз буйича олинадиган юкори балл 100%

Жумладан бахолош мезони:

А) Курс ишида мавзу бўйича назарий томонларини ёритилганлиги

(максимал балл – 30%) _____

Б) Курс ишида таникли иктисодчиларнинг асарларидан манба сифатида

фойдаланилганлиги (максимал балл – 20%) _____

В) Амалий, статистик маълумотлар ва тахлиллар борлиги (максимал балл – 20%)

Г) Курс ишига илмий ва ижодий ёндашиш, талабанинг мустакил фикрлаш

даражаси (максимал балл 20%) _____

Д) Курс ишини расмийлаштириш, безаш даражаси

(максимал балл 10%) _____

Курс ишига такризчи томонидан куйиладиган жами балл _____

Сана _____ Рахбар _____

Курс ишини расмийлаштиришга оид талаблар.

Курс иши шарикли ручка билан varaқнинг бир томонида аниқ ва хатосиз ёзилиши шарт. Varaқнинг чап, ўнг, тепа ва паст томонларида бўш жой қолдирилади.

Уларнинг масштаблари.

Ўнг томонда - 0,5 см

Чап томонда - 2 см

Тепадан - 0,5 см

Пастдан - 0,5 см

Курс ишининг ҳажми 40 - 50 бет бўлади ва ўртача катталиқдаги хуснихат билан ёзилади, ҳамма varaқларга номер қўйилади.

Курс ишида кўрсатилган жумлалар ва халқ хўжалиги ривождантиришга оид рақамларнинг қайси манбадан олинганлиги varaқнинг пасти қисмида ёки қавс ичида кўрсатилади.

Курс ишининг ҳар бири бўлими янги бўлимдан бошланади.

Ишнинг бошида мундарижа, охирида эса фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати қуйидагича тузилади.

1. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримовнинг ва Президентимиз Ш.М.Мирзиёев асарлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари, ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар ва фармонлар.

3. Бошқа манбаларни рўйхатга олишда авторларнинг фамилиялари алфавит асосида ёзиб борилади.

4. Журналлардаги мақолаларнинг рўйхатини тузишда қуйидагиларга эътибор бериш керак.

Авторнинг фамилияси, исми - шарифи, нашрдан чиққан йили ва бетлари.

Газеталардаги мақолалардан фойдаланилган бўлса, унда мақола автори, унинг номи, газетанинг номи ва чоп этилган куни.

5. Услубий кўрсатмалар, инструкциялар, меъёрий ҳужжатлар, қўлланмалар ва бошқа манбалар.

Титул varaқа махсус талабларга жавоб бериши шарт. (5 иловада келтирилган). Уни туш билан ёки компьютердан чиқарган ҳолда шрифт билан ёзиш зарур. Барча жадваллар, чизмалар, схемалар ҳам туш билан ёки компьютерда бажарилиши керак.

Жадвалнинг номи унинг мазмунига мувофиқ келиши керак.

Мундарижада: бўлимлар ва параграфлар номи ва уларга белгиланган бетлар кўрсатилади (9 иловада келтирилган).

КУРС ИШИ РАХБАРИ ТАҚРИЗИНИНГ ТАХМИНИЙ ШАКЛИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ

«Менежмент» кафедраси

ҚАЙДНОМА НОМЕРИ _____

Факультет _____

Курс _____

Гуруҳ _____ Талаба _____

Курс ишини олган вақти _____

Курс ишини ҳимоя қилган вақти _____

Тақризчи _____

Рейтинг баллари _____

Рахбар _____

Тақриз _____

6-илова

КУРС ИШИ ТИТУЛ ВАРАҚАСИНИНГ ТАХМИНИЙ НАМУНАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ

ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ

ИНСТИТУТИ

“Э ва ИЧАК” факультети

“Менежмент” кафедраси

“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ”

фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: _____

Бажарган талаба

курс

Гуруҳ _____

Ф.И.Ш. _____

Илмий раҳбар _____

(Ф.И.Ш, лавозими)

Бухоро-2017

Ўлч	Вар	№ Ҳужжат	Имзо	Сана			
Бажарди:					Адаб	Варак	Вараклар
Раҳбар:							
Каф.муд.							

Улч	Вар	Хужжат №	сана	имзо	бет
Бажарди:					
Рахбар:					

КУРС ИШИ МУНДАРИЖАСИНИНГ ТАХМИНИЙ ШАКЛИ.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	2
I Бўлим	4
\$1.1	7
\$1.2	13
\$1.3	15
II Бўлим	19
\$2.1	24
\$2.2	29
\$2.3	34
\$2.4	44
Хулоса	48
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	50

